

Хўжалик юритувчи ташкилотларга маиший чиқиндиларни тўплаш ҳамда олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш бўйича 22/252 - сонли Шартнома

Самарканд ш.

«31» 01 2022 й.

Биз, қуйида имзо чекувчилар, Самарканд шаҳар “Мароканд обод” ДУК номидан Низом асосида иш олиб борувчи, директор (қуйида «Ижрочи» деб юритилади) в.в.б.Тулкинов Р.М. ва низом асосида иш юритувчи _____

“Фурқатлар мажмуаси” компанияси билан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бошқ.
(«Истеъмолчи» номи)
Бошқарма бошлиғи Х.Раҳманов (қуйида «Истеъмолчи» деб юритилади) қуйидагилар юзасидан ушбу шартномани имзоладик:
(Лавозими Ф.И.Ш)

1. Шартнома предмети

1.1. Мазкур шартнома каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди.
1.2. «Истеъмолчи» кўрсатилган хизматлар учун тўловларни «Ижрочи» га ўз вақтида ва тулик ҳажмда тўлашга мажбур.
1.3. Томонлар каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатишга оид ушбу шартнома шартларини бажариш. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелдаги “Чиқиндилар тўғрисида” ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги 787-сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 февралдаги 95-сонли Қарори билан “Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисидаги Қондалари” (кейинчалик матнда – “Қондалар” деб юритилади) га риоя қилишни ўз зиммаларига оладилар.

2. Кўрсатиладиган хизматлар учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби

2.1. Юридик шахслар каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар қийматининг 100 фозидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан тўловни, кўрсатилган хизматларнинг тулик ҳисоб-китобини эса — календарь ой тугагандан кейин 30 кун давомида амалга ошириши шарт. Қуйидаги чиқиндилар олиб чиқиб кетиш хизмат кўрсатувчи ташкилотлар алоҳида шартнома асосида келишилган нарх эвазига амалга оширилади:

2.2. Каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар учун тўловни ҳисоблаш тегишли даврларда амалда бўлган тарифлар бўйича амалга оширилади. Мазкур тарифлар ўзгарган тақдирда, тўловлар амалдаги янги тариф бўйича амалга оширилади. Агар шартномада ўзгартиришлар киритилиши керак бўлганда бир томонлама киритилиб борилади.

2.3. Кўрсатилаётган хизматлар сифатини баҳолаш натижаларига кўра Истеъмолчи, Ижрочининг вакили, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакили томонидан имзоланадиган, хизматлар кўрсатилмаганлигини, тегишлича бўлмаган сифатдаги хизматлар кўрсатилганини тасдиқловчи факт бўйича далолатнома тузилади. Хизматлар кўрсатилмаганлиги, тегишлича бўлмаган сифатдаги хизматлар кўрсатилгани тўғрисида тузилган далолатнома каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловлар миқдорини қайта ҳисоб-китоб қилиш, шунингдек ўз мажбуриятларини бузгани сабабли Ижрочининг жарима тўлаши учун асос ҳисобланади. Ижрочи томонидан Истеъмолчининг ҳаёти, саломатлиги ва мулкига зиён етказилган ҳолатларда етказилган зарар факти қайд этилган далолатнома тузилади, у Ижрочи ва Истеъмолчиларнинг вакиллари томонидан имзоланади. Истеъмолчи, Ижрочининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакиллари томонидан имзоланиши бўлгандагина далолатнома ҳақиқий ҳисобланади. Ижрочи вакили келмаган тақдирда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакилининг имзоси етарли бўлади. Ижрочи вакили далолатномани имзолашдан бош тортса мазкур далолатномага имзо қўйишдан бош торганлик сабабларини ёзма равишда асослаши шарт. Акс ҳолда, Истеъмолчи каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни суд қарори қабул қилингунгача тўхтатишга ҳақлидир.

2.4. Ижрочи Истеъмолчининг чиқинди саклаш контейнердаги каттик маиший чиқиндиларини олдиндан тўлов асосида олиб чиқиб кетиш хизматларини бажаришни уз зиммасига олади Каттик маиший чиқиндини умумий тўплаши ми 3 ҳисобида белгиланади.

2.5.

№	Хизмат тури	(М3) Метр куб ҳисобида	График асосида ҳафта кунларини кўрсатиш	Шартнома суммаси	
				Бир ойда	Бир йилда
1	График асосида				
2	Чакирув (Заявка) асосида		12	833,333	4994996
3	Атрофидаги чиқинди контейрга чиқариш				
4	Суюқ чиқинди тонна	57 992, 2 сум			

9999996 (Тўққуз миллион тўққуз юз тўқсон олти миң тўққуз юз тўқсон олти) сум ташкил этади.

3. Истеъмолчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

шартнома асосида, узига зарур бўлган, белгиланган сифатдаги, ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсиз бўлган, мулкига зарар бермайдиган ҳажмдаги хизматлардан фойдаланиш;

шартномаларда кўзда тутилган шартлар ва муддатларга мувофиқ каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларидан фойдаланиш; Ижрочидан каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларининг ҳажми ва сифати, уларнинг кўрсатилиши шартлари, хизматлар учун тўлов миқдорларининг ўзгаргани ва тўлов тартиби тўғрисидаги ахборотларни олиш;

Ижрочи томонидан шартнома мажбуриятлари сифатсиз бажарилган ҳолларда Ижрочига ёзма шаклда шикоятлар тақдим этиш ва Ижрочидан хизматлар тулик кўрсатилмагани фактини тасдиқловчи далолатномани тузишни, шунингдек аниқланган камчиликларнинг белгиланган муддатларда бартараф этилишини талаб қилиш;

хизматлар кўрсатилаётганда Ижрочи айби билан юзага келган камчиликларнинг бепул бартараф этилишини ва шартномада келишилган миқдорларда неустойка (жарима ёки пеня) тўланишини талаб қилиш;

шартнома тузилаётганда, каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни ўз вақтида чиқариб юбориш заруриятидан келиб чиққан ҳолда, санитария меъёрлари ва қондаларида белгиланган сўнгги муддатлардан кечиктирмай хизматлар кўрсатиш муддатларини белгилаш;

каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари сифатсиз амалга оширилса, агар Ижрочи ўз вақтида шартномани бажаришга киришмаса ёки сифатсиз хизмат кўрсатса, зарарлар ундирилишини талаб қилиб судга мурожаат этиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари учун шартнома тузиш ва унинг талабларини бажариш;

каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни, уларни тегишли турларга ажратган ҳолда, бир маротаба ишлатиладиган алоҳида пакетларга дастлабки саралашни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги №787-сонли қарорининг 2 боб, 3 боб, 5 боб ва 6 бобларга риоя қилиниши шарт. 2002 йил 5 апрелдаги “Чиқинди тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда чиқиндилар ҳисобини юритишга, улар тўғрисида ҳисобот тақдим этишга; чиқиндиларнинг ҳосил бўлиш нормативлари ва чиқиндиларни жойлаштириш лимитлари лойиҳаларини ишлаб чиқишга; чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш натижасида фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига, атроф-муҳитга, юридик шахсларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга мажбурдилар. Каттик маиший чиқиндиларни қўчаларга, сув йўллари, ариқ ва каттик маиший чиқиндиларни тўплаш ва қўмиб ташлаш учун ажратилмаган жойларга, шунингдек ҳаракатдаги автотранспорт воситасидан йўлаклар ва қўчаларнинг транспорт юрадиган қисмига ташламаслик; каттик маиший чиқиндиларни Ижрочининг махсус автотранспорт воситасига ортиш учун ортиш жойига бемалол ўтишни таъминлаш; чиқинди тўплаш контейнерлари, чиқинди тўплаш шокобчалари, чиқинди тўловчи камера ва бошқа ускуналарнинг носозликлари аниқланганда бу тўғрида Ижрочини дарҳол хабардор қилиш; Каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, “Ижрочи” кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0,4%

пеня ҳисоблайди, ҳисобланган пеня миқдори қарздорлик суммасининг 50% идан ошмаслиги лозим; Чикиндиларни корхона ҳудудига ва руҳсат этилмаган жойларда кўмиб ташлашга йўл қўймаслик; Истеъмолчи конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар бўйича ҳам жавоб беради.

4. Ижрочининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Ижрочининг ҳуқуқлари:

Ижрочи шартнома мажбуриятларига риоя қилмагани учун Истеъмолчига нисбатан чоралар кўришга, шунингдек конунчиликда ёки шартномада белгиланган неустойка (жарима ёки пеня) тўланишини талаб қилишга ҳақли.

Ижрочи конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Ижрочининг мажбуриятлари:

белгиланган муддатларда қаттиқ ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетишни амалга ошириш;
конунчиликда, мазкур Қоидаларда ва шартномада белгиланган шартларга мувофиқ Истеъмолчига зарур сифатдаги қаттиқ ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш;

конунчиликда ёки шартномада белгиланган муддатларда Истеъмолчининг буюртманомаларини бажариш;

қаттиқ ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун электрон тўлов тизимини татбиқ этиш ва реал вақт режимида шахсий ҳисобварақаларининг ҳолатини кузатиб бориш;

қаттиқ ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларининг амалга ошириладиган режими ва сифати бўйича Истеъмолчиларнинг муурожаатлари (аризалари, таклифлари, шикоятлари), шунингдек уларнинг ижроси ҳисобини олиб бориш;

аҳолининг тўлик қамраб олиншини таъминловчи ва конунчилик талабларига мувофиқ, зарур миқдордаги чикинди тўплаш шохобчалари қурилишини амалга ошириш;

чикинди тўплаш шохобчалари ва контейнерларининг ҳолатини назорат қилиб бориш, уларнинг тегишли ҳолатда бўлишини таъминлаш;

қаттиқ маиший чикиндиларни тўплаш учун контейнерларнинг зарур миқдорда бўлишини таъминлаш;

аҳолининг ҳаёти, саломатлиги, шунингдек атроф муҳит учун хавфли бўлган бактерияларнинг ва бошқа зарарли моддаларнинг ривожланишига, чикиндиларнинг кўплаб тўпланиб қолишига қарши режали ишларни олиб бориш (контейнерлар ва ахлат тўплаш шохобчаларини дезинфекциялаш ёки ювиб туриш йўли билан);

қаттиқ ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш тартиби ва тарифларининг ўзгаргани тўғрисида ушбу тарифлар конуний кучга киришидан 15 кун аввал Истеъмолчининг абонентлик пунктларида эълонлар осий йўли билан, шунингдек оммавий ахборот воситалари орқали Истеъмолчига маълум қилиш;

Истеъмолчига кўрсатиладиган хизматлар сифати бўйича камчиликларга йўл қўймаслик ва уларни бартараф этиш чораларини қўллаш;

қаттиқ маиший чикиндиларни олиб кетиш хизматлари учун тўловлар ҳисоб-китобининг ҳолати, шунингдек кўрсатилган хизматлар учун тўловлар бўйича қарздорларнинг йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни Истеъмолчига бепул тақдим этиш.

Маиший чикиндиларни олиб кетиш хизматлари учун тўловлар ҳисоб-китобининг ҳолати, шунингдек кўрсатилган хизматлар учун тўловлар бўйича қарздорларнинг йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни Истеъмолчига бепул тақдим этиш;

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Истеъмолчининг жавобгарлиги:

шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик;

қаттиқ ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш;

хонадонда ёки хусусий уй-жойда истикомат қилувчиларнинг ҳақиқий сони ҳақидаги ҳаққоний маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш;

шартнома шартларида кўзда тутилган қаттиқ ва суюқ маиший чикиндиларни махсус ажратилган жойларда тўплаш тартибининг бузилиши.

5.2. Ижрочининг жавобгарлиги:

Шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик;

қаттиқ ва суюқ маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар муддатининг ва мазкур хизматлар кўрсатиладиганда аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатларининг бузилиши;

Хизматлар кўрсатиш ва камчиликларни бартараф этиш муддатларининг бузилганлиги учун жариманиннг ўз вақтида тўланмаганлиги;

Ўз фойдаланишида бўлган қўриқланувчи ва қўриқланмайдиган контейнерли чикинди тўплаш шохобчаларининг техник ҳолати;

хизмат кўрсатмаслик ёки сифатсиз кўрсатилган хизматлар натижасида Истеъмолчининг ҳаёти, саломатлиги ва мулкига етказилган зарар.

6. Форс-мажор

6.1. Шартнома имзолангач, томонлар ушбу шартнома юзасидан мажбуриятларини тўлик ёки қисман бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинишлари ҳам мумкин. Бунда, томонлар олдиндан билишлари ёки олдини олишлари мумкин бўлмаган фавқулодда ҳодисалар туфайли юзага келган энгилмас кучлар сабаб бўлиши мумкин. Қўчки, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар, минтақадаги ҳарбий хатти-ҳаракат ва иш ташлашлар бундай сабаблар сирасига кириб, томонлар мажбуриятларини бажармасликларига узрли сабаб сифатида эътироф этилади.

7. Низоларни ҳал қилиш тартиби

7.1. Томонлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар музокарадан йўли билан ҳал қилинади.

7.2. Шартнома ижроси бўйича юзага келган низолар, талабнома юборилгандан сўнг тарафлар ўртасида ҳал этилмаган тақдирда, низолар амалдаги конунчиликка асосан Самарқанд шаҳар иқтисодий суди орқали ҳал қилинади.

8. Шартноманиннг амал қилиш муддати

8.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади ва ҳар бир тарафда бир нусхадан сакланади. Шартнома тарафлар имзоланган пайтдан кучга кирилади.

8.1.1. Ушбу шартнома бюджет ташкилотлари учун Ғазначилик бўлинимасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли Қарорига мувофиқ, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кирилади.

8.2. Шартнома имзоланган кундан 1 йил муддат давомида ҳақиқий ҳисобланади ва тарафларнинг биронтаси шартномани бекор қилиш ҳақида муурожаат қилгунга қадар кейинги муддатга узайтирилган ҳисобланади. «Истеъмолчи» шартнома муддати тугашидан 15 кун аввал «Ижрочи» ни огоҳлантирган ҳолда кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлиқ тўлаб қўйган бўлиши лозим.

8.3. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар тарафларнинг келишувига асосан ёзма шаклда амалга оширилади.

8.4. Ушбу шартномада ўз ифодасини топмаган бошқа масалаларнинг ҳал қилинишида томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 февралдаги 95-сонли Қарори билан тасдиқланган «Чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисидаги Қоидалари» га амал қилишади.

9. Томонларнинг юридик манзили ва реқвизитлари

«Ижрочи»

Самарқанд шаҳар «Мароқанд обод» ДУК

Манзил: Самарқанд шаҳри,

Фирдавсий кўчаси 135 уй

Тел: 237-06-89, 237-17-15

Ўзмилийбанк Самарқанд бўлими

х/р: 20208000900273927001

МҲҚ: 00278, СТИР: 207201815

Директор: В.В.Б.Тулқинов Р.М.

М.У.

«Истеъмолчи»

Фирдавсий мажмуаси комплекси

Манзил: Самарқанд ш. Фирдавсий 33

Тел: 662398306

Банк номи: Мароқанд Банк ХКМ

1002185014017013902018081

ИНН: 1009034

МҲҚ: 4 ОКЕД: 55100

Р.В.Шонозов Х.М.

(ФИШ раҳбар)

Юридик ҳужжат:

Ушбу Шартнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва «Ҳужжатли шартловчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси» тўғрисидаги Қонуни талабларига мувофиқ беради.

Юрист консултант

Юрист